

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 378:338:39 (575.1)

Бахтиярова Меҳринисо Комиловна

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА БЎЛАЖАК
МУТАХАССИСЛАРНИНГ ДИДАКТИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

5A111001-Касб таълими назарияси ва методикаси (иқтисодиёт) магистратура
мутахассислиги

МАГИСТР

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
п.ф.д., проф. М.Ф.Хакимова

Тошкент – 2021 йил

Ушбу диссертация ишида мустақил таълим жараёнида бўлажак мутахассисларнинг дидактик компетенциясини такомиллаштириш йўллари кўрсатиб ўтилган, талабаларнинг дидактик компетенциясини шакллантиришда мустақил ишнинг салоҳияти аниқланган. мустақил иш жараёнида талабаларнинг дидактик компетенциясини шакллантириш модели ишлаб чиқилган ва илмий асосланган. талабаларнинг дидактик компетенциясининг баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражалари танланган ва асосланган. Шунингдек, тадқиқот ишида мустақил иш жараёнида талабаларнинг дидактик компетенциясини шакллантириш моделининг самарали ишлашига ёрдам берадиган педагогик шарт-шароитларни аниқланган ва синовдан ўтказилган.

This dissertation shows ways to improve the didactic competence of future professionals in the process of independent learning, identifies the potential of independent work in the formation of didactic competence of students, developed and scientifically based model of formation of didactic competence of students, selected and based on assessment criteria, indicators and levels. The research also identified and tested the pedagogical conditions that would help the model to form the didactic competence of students to work effectively in the process of independent work.

Магистрлик диссертация иши “Инновацион таълим” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган 13 сонли баённома « 16 » 06 . 2021 й.

Илмий раҳбар:	<u>Рахмонова М.</u>	<u>У.Хакимов</u>	
	ф.и.ш.	имзо	сана
Магистр:	<u>Вахиджорова М.</u>	<u>р.х.</u>	
	ф.и.ш.	имзо	сана

“Ҳимояга рухсат этилади”
«Инновацион таълим» кафедраси мудири

М.Ф.Хакимова У.Хакимов
2021 йил « 24 » 06 .

Ҳимоя Тошкент давлат иқтисодиёт университетида
2021 йил « 25 » 06 соат « 14 » да бўлади

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ДИДАКТИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Талабаларнинг дидактик компетенциясини шакллантириш педагогик муаммо сифатида.....	11
1.2. Бўлажак мутахассисларнинг дидактик компетенцияларини такомиллаштиришнинг амалий-услубий ва мантикий асослари.....	27
1.3. Мустақил таълим жараёнида талабаларнинг таълим методлари асосида такомиллаштиришнинг педагогик ва дидактик шарт-шароитлари	40
Биринчи боб бўйича хулоса.....	45
II БОБ. ТАЛАБАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ АСОСИДА ДИДАКТИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТО- ДИКАСИ	
2.1. Талабаларни мустақил таълим жараёнида дидактик компетенциясини такомиллаштириш модели ва унинг таркибий қисмлари.....	47
2.2. Мустақил ишларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида интерфаол таълим методлари ва улардан фойдаланиш методикаси.....	51
2.3. Талабаларни дидактик компетенциясини такомиллаштиришда мустақил ишларни бажаришнинг ўқув-услубий ва электрон воситалари.....	70
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	91
III БОБ. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ ДИДАКТИК КОМПЕТЕНЦИЯ- ЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА- СИНОВ ИШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ	
3.1. Талабаларни мустақил таълим жараёнида дидактик компетенциясини такомиллаштириш бўйича тажриба-синов ишларининг қўйилиши.....	92
3.2. Педагогик тажриба-синов ишлари натижалари ва уларнинг таҳлили.....	96
Учинчи боб бўйича хулоса.....	97
УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР.....	99
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	102
ИЛОВАЛАР.....	117

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги:

Шахснинг жамиятда муваффақиятли ўз ўрнини топишининг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг мустақил таълим олиш сифатини ошириш эканлиги дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Жумладан, олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида ҳам “бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” гоёси таълим олувчиларнинг мустақил таълим олишлари, мустақил ишлаш малакаларини узлуксиз ошириш орқали мутахассисларнинг зарурий компетенцияларини, ижодий яратувчанлик, тадқиқотчилик, мантикий тафаккурини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳозирда Олий таълим муассаларида бўлажак мутахассисларни тайёрлаш жараёнида уларда зарурий компетенцияларини шакллантиришнинг интерфаол усулларини ҳамда мустақил таълимнинг замонавий парадигмаларини (Distance learning, Blended learning) жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бир қатор ривожланган мамлакатларнинг нуфузли илмий-тадқиқот марказларида профессионал таълим жараёнини компетентли ёндашув асосида лойиҳалашни амалга оширишнинг илмий асосланган методик тизимини яратиш борасида салмоқли амалий натижаларга эришилган. Шунга кўра, малакали кадрларни тайёрлашда амалдаги таълим ёндашувларини модернизациялаш ва ўзлаштирилган назарий билимларни амалий кўникмага айлантиришда мустақил ишлаш фаолиятидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда, иқтисодиёт олий таълим муассасалари “Касб таълими” йўналишлари талабаларининг мустақил иш жараёнида дидактик компетенциясини такомиллаштиришда уларнинг фаолиятларида касбий муаммоларга ечим топиш ва амалга татбиқ этишда ўқитишнинг интерфаол методларидан фойдаланиш кўникмалари муҳим ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан ўзлаштирилган назарий билимларни мустақил ишлаш орқали амалиётда қўллай олиш кўникмаларини ривожлантирувчи, мустақил